

Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг раиси Ўктам Мамадиев томонидан Қумқўрғон тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида давра суҳбати ўтказилди.



Ўтказилган давра суҳбатида меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилиши масаласига эътибор қаратилди. Хусусан, иш берувчи ва ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни судда кўрилиши, ходимлар ноқонуний ишдан бўшатишганда суд томонидан ўз ишига тикланганлиги ҳолатлари ҳақида, иш берувчи ва ходимлар қайси қонун нормаларига эътибор қаратиши лозимлиги хусусида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган, алимент, мерос ва бошқа оилавий низолар бўйича берилган саволларга суд раиси томонидан жавоблар берилди.